



ЎЗБЕКИСТОН ВА САУДИЯ АРАБИСТОНИ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 август куни давлат ташрифи билан Саудия Арабистонига келди.



Ташрифнинг биринчи манзили — муқаддас Мадина шаҳри бўлди.

Шаҳзода Муҳаммад бин Абдулазиз номидаги халқаро аэропортда давлатимиз раҳбарини Мадина минтақаси раҳбарлари кутиб олди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Мадина шаҳридаги Масжидун Набавийни зиёрат қилди.

Маълумки, Мадина ислом тарихидаги энг муҳим шаҳарлардан бири. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) 622 йилда бу ерга кўчиб келганлар. Қуръони каримнинг энг катта суралари шу ерда нозил бўлган.

Масжидун Набавий пайғамбаримизнинг уйи атрофида қурилган улкан масжиддир. Бу ерда Расулulloҳнинг ҳамда буюк саҳобалар — Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттобнинг қабрлари бор. Юксак ҳурмат юзасидан бу жой "Хужраи саодат" деб аталади.

Шавкат Мирзиёев ушбу масжидга келиб, Хужраи саодатга тавозе билан кирди, Муҳаммад алайхиссаломга салават ва

саломлар айтди. Халқимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб, дуо қилинди.

Давлатимиз раҳбари Пайғамбаримиз алайхиссаломнинг сийратлари ва ислом цивилизацияси музейи билан ҳам танишди.

Музей кенг қамровли иккита мавзуни ўзида акс эттирган. Биринчиси, Муҳаммад алайхиссаломнинг ҳаёт ва фаолиятлари, иккинчиси, ислом маданияти ва илм-фаннинг шаклланиши, унинг ижтимоий-маънавий ҳаётга таъсири. Булар ҳақида кўргазмалар экспонатлар ва визуал технологиялар воситасида бир неча хорижий тилларда маълумот берилди.

Президентимиз музейни кўздан кечириб асосида саудиялик олимлар билан динимиз тарихи, ўзбек ва араб халқларини боғловчи ришталар ҳақида фикр алмашди.

Доктор шайх Носир Заҳроний музейдаги маълумотлар буюк боболаримиз Имом Бухорий ва Имом Термизий асарларидан олинганини айтди. Шавкат Мирзиёев юрти-мизда бу улуг алломалар номи билан илмий марказлар ташкил қилингани, ислом

маданияти обидалари асраб-авайланаётганини таъкидлаб, олимларни Ўзбекистонга таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари Мадинани зиёрат қилиб юрган ватандошларимиз билан ҳам суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев куннинг иккинчи ярмида Жидда шаҳрига келди.

Подшоҳ Абдулазиз номидаги халқаро аэропортда мамлакатимиз етакчисини Макка минтақаси раҳбарлари, инвестициялар вазирини Халид ал-Фалих ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Жидда шаҳридаги "Қаср ас-Салам" саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбарини Саудия Арабистонининг Валиаҳд шаҳзодаси Муҳаммад бин Салмон Ол Сауд кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари ижро этилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳд шаҳзодаси Муҳаммад бин Салмон Ол Сауднинг музокара-лари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида Ўзбекистон етакчиси Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Саудга ўзининг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказишни сўради.

Турли даражалардаги алоқалар анча фаоллашгани мамнуният билан таъкидланди. Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенга-шининг йиғилишлари мунтазам ўтказилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, кўшма корхоналар ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатларимиз муноса-батларни, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳада-ги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даража-га кўтариш учун улкан салоҳиятга эга.

Ўзбекистон Президенти Саудия Арабистони-га илк давлат ташрифи бунинг учун кенг имко-ниятлар очилишига ишонч билдирди.

Олий даражадаги музокара-лар қарашлар ва интилишларнинг муштараклигини намоён этди. Саудияда "Нигоҳ — 2030" Давлат дастури муваффақиятли амалга оширилаётгани юксак баҳоланди. Мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча соҳаларини трансформация қилишга қаратилган Янги Ўзбекистонни ривожланти-риш стратегиясининг мақсад ва вазифалари ушбу дастурга ҳамоҳангдир. Давлатларимизда рақамли ва "яшил" иқтисодиёт тамойилларини жорий қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Томонлар икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гу-манитар соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқа-ларни янада кенгайтириш масалаларини муҳо-кама қилдилар.

Ишбилармонларнинг алоқалари учун янада қулай шaroитлар яратиш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, таркибини диверсификация қилиш за-рурлиги қайд этилди. Мамлакатимизда Саудия Арабистони фуқаролари учун визасиз тартиб жорий этилиши бу борада муҳим қадамлардан бири бўлади.

— Бугунги тарихий учрашувимиз ҳамкорли-гимизни амалий натижалар билан бойитиш, бизнес алоқалари учун "кучли сигнал" бўли-шига аминман. Давлатларимиз тадбиркорла-ри мулоқотимиз натижаларини интиқлик ва катта қизиқиш билан кутаяпти, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Саудиянинг етакчи компа-нияларини Ўзбекистондаги тижорат банклари, йирик сонао ва инфратузилма объектларини хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этишга чакирди.

Энергетика ва нефть-кимё соҳаларидаги шерикликни кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди. Бугунги кун-да "ACWA Power" компанияси билан жами 2 миллиард 600 миллион долларлик йирик

энергетика лойиҳалари бошланган. Кимё тар-моғида "SABIC" компанияси билан шериклик истиқболдир.

Саудия тараққиёт жамғармаси иштирокида мамлакатимиз худудларида транспорт, сув таъ-миноти, электр тармоқларини ривожлантириш бўйича инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш масалалари қўриб чиқилди.

Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кен-гашининг навбатдаги йиғилиши муваффақият-ли ўтказилгани мамнуният билан қайд этилди. Унинг якунида энергетика, кимё, электротехни-ка, инфратузилмани ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги, фармацевтика, ахбор-рот технологиялари ва транспорт соҳаларида умумий қиймати 14 миллиард доллардан ортиқ бўлган келишув ва шартномалар имзоланди.

Учрашувда маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, бугунги кунда юртимизда ўн мингдан зиёд талаба Бирлашган Миллатлар Ташкил-отининг расмий тили ҳисобланган араб тилини ўрганмоқда.

Халқаро ва минтақавий масалалар юзаси-дан ҳам фикр алмашилди.

Музокара-ларда Ўзбекистон ва Саудия Арабистонининг қатор жиҳатлар юзасидан қарашлари ва ёндашувлари ўхшашлиги на-моён бўлди. Давлатларимиз халқаро доирада бир-бирини доим қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон Саудия Арабистони поятахти Ар-Риёднинг "Экспо — 2030" Бутунжаҳон кўр-газмасини ўтказиш учун номзодини қўллаб-қув-ватламоқда.

Хавфсизлик соҳасида мулоқотни йўлга қўйиш, Афғонистонда тинчликни мустаҳкамлаш ва иқтисодиётни тиклашга кўмаклашиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш юзасидан яқдил фикр билдирилди.

Ўзбекистон Президенти Саудия Араби-стонининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотида Мулоқот бўйича шерик мақомини олаётганини олқишлади.

Музокара-лар натижалари бўйича имзолан-ган ҳужжатлар алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасида кенг қамров-ли шериклик муносабатларини янада кенгайти-риш тўғрисида Кўшма баёнот қабул қилинди.

Икки мамлакат ҳукуматлари ва вазирлиқ-лари ўртасида энергетика, божхона, фуқаро авиацияси, туризм, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, меҳнат муносабатлари каби соҳаларда ҳамкорликка доир 15 та ҳужжат қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифи шарафига Подшоҳ Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд номидан қабул маросими ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистони-га давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ РОЛИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА МОЛИЯВИЙ ИМКОНИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Маҳалла институти имкониятлари-дан кенг фойдаланиш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стра-тегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оши-ришга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Маҳалла ва нурунийларни қўл-лаб-қувватлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазир-лигининг ҳар бир маҳалла учун бюдже-т ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаси шаклидаги юри-дик шахс ҳисобланмайдиган Маҳал-ланинг ижтимоий-иқтисодий муам-моларини ҳал этиш жамғармасини

(кейинги ўринларда — жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки: а) қуйидагилар жамғармалар маб-лагларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

маҳалладаги худуди 2 000 квадрат метргача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини маҳаллада тадбиркор-ликни ривожлантириш, аҳоли банд-лигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ту-ман (шаҳар) ҳокими ёрдамчисининг онлайн-бюджетномасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотиш-дан тушадиган маблаглар, баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда;

▶ Давоми 2-бетда

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЎЗБЕКИСТОН — САУДИЯ АРАБИСТОНИ САММИТИ МИНТАҚАЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЯНГИ СУРЪАТ БАХШ ЭТАДИ

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг 17 август куни бошланган Саудия Арабистонига давлат ташрифи ахамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи халқаро эксперт-лар ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Хорижий таҳлилчилар икки давлат ўртасидаги муносабат-

ларни янада ривожлантириш учун катта салоҳият ҳамда минтақалар-ро ўзаро боғлиқликни мустаҳкам-лаш истиқболлари мавжудлигини таъкидламоқда.

Алвис Эглитис, "LETA" ахборот агентлиги халқаро янгиликлар муҳаррири (Латвия):

— Ушбу ташриф икки мамлакат ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб беради. Таъкид-лаш жозик, бу Ўзбекистон раҳбарининг катта иқтисодий салоҳиятга эга

ва мамлакатнинг барқарор ривожла-ниши йўлидаги улкан мақсадларини салмоқли даражада қўллаб-қувват-лашга қодир бўлган Яқин Шарқнинг йирик давлатига сўнги 30 йил ичида амалга оширган биринчи ташрифи бўлди.

▶ Давоми 2-бетда

ШУКРОНА

Кўнглимдан гул узиб таққим келади


Замонамизнинг таниқли адиби, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповнинг шундай ажойиб сатрлари бор:

Бугун Аму бўлиб оққим келади,
Арғимок от бўлиб чопгим келади,
Бугун ўнгрига ўзбек оғамнинг
Кўнглимдан гул узиб таққим келади...

Қадимдан овули аралаш, қўйи кўралаш, бир-бири билан қиз олиб, қиз бериб, тинч-тотув яшаб келаётган ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг дўстлик, қардошлиқ

алоқаларини қуйловчи бу мис-раларни эслаганимда юрагим ҳаққириб кетади.

▶ Давоми 4-бетда



АЁЛГА ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ фаровон ва файзли ҳаётимизга мустаҳкам пойдевордир

Ҳар қандай давлат ва жамият тараққиёти қатор омиллар асосида юз беради. Бу жараёнда аёллар, уларнинг ижтимоий-сиёсий муносабатларидаги иштироки, ҳуқуқ ва эркинликлари амалда таъминлангани масаласи давлатлар ривожини ҳамда демократиянинг муҳим индекси саналади. Зотан, аёл ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамиша муҳим мезон бўлиб келган.

▶ Давоми 3-бетда

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

“Чопон кийган осийлик”

ёхуд ўнга яқин тилни билган Бобоохун Салимов ким эди?

Давлат ва сиёсат арбоби, маърифатпарвар Бобоохун Салимов 1874 йили Гурлан бекаликда қозикалон Салимохун оиласида дунёга келади. Асли исми Муҳаммад бўлиб, унга хурмат юзасидан Бобоохун деб тахаллус берилган. У бошланғич таълимни олгач, Хива шаҳридаги Оллоқулихон мадрасида тахсилни давом эттиради. Араб, форс, рус тилларини ўрганади, шеърлар машқ қилади. 1910–1918 йилларда уни Хива хони Асфандиёрхон саройида отаси ўрнига шайхулислом лавозимига тайинлашади. Бобоохун 1917 йил Хивадаги инқилобий воқеаларда иштирок этиб, парламент сифатида ташкил этилган Мажлис аъзоллигига сайланади. Кейинчалик Хоразмдаги мактаб, маориф ишларида қатнашади. 1924 йилда Хоразм уламоларининг I курултойи чақирилиши ва ўтказилишига раҳбарлик қилди.

Бироқ дунё ўзани қандай оқайтганини англай бошлагач, кўп мақсадларини унуттига ҳаракат қилади.

Бобоохун Салимов советлар томонидан Бухоро амрлиги ағдарилгани ва келажакда Хоразм миллий армиясининг асоси бўлиши керак бўлган сардор Қўшмамедхон барча йигитлари билан отиб ташланганини эшитгач, кўп нарсани тушунди. Энди уларга Ленин ҳукумати бутунлай тажрибловчи шартномани имзолашни таклиф этади. Бобоохун Салимовнинг уз сўзи билан айтганда, “Агар бу сўзлар шартномага киритилса, Хоразм ҳақида генерал Кауфман ва Галкинлар ясаган шартномалардин минг мартаба ёмонроқ бўлгудек турур. Буларни товариш Искандар (Самойлович) ўқиб эшитмакка бошлаганимиздин манга ул қадар беҳарлик ва кам хусалалик ариз бўлдимки, иловаларнинг охирироқларини қулоқ эшитса ҳам кўнгил фаҳм эта билмай курсига суняиб, лолу хайрон бўлибман ким, иловалар ўқилуб тамом бўлгандин сўнг ҳаммалари мани ёнимдан чиқиб кетганларини ҳам онгламай қолубман. Ман дедим: “Ондок бўлса билинким, ман бу иловаларга қўшилган шартномага ҳаргиз қўл қўймасман. Чунки ман Хоразмнинг ер-сувлари ихтиёрини қўлларидин кетуб, қайтадин уларни асир ва мазлум қилмоқда асло рози бўлмасман”, деб иловаларни анга очик тушунтириб, дедимким, ман Карахоннинг ёнида мажлис очилган вақтда ҳамма кучини сарф этиб, иловаларнинг бутунлай бекор бўлмоғи учун гайрат қилурман”.

Муваққат инқилобий ҳукумат қисқа вақтда қатор ижобий ўзгаришларни амалга оширди. Жумладан, иш кунини 8 соат қилиб белгиланди, зиндонда қатл этиш каби жазо турлари бекор қилинди. Ариза ва шикоятлар ёзма бериладиган бўлди. Қисқа вақтда 8 та биринчи босқич мактаб, ўқитувчилар курси, сиёсий мактаб, маориф уйи, болалар боғчаси, кинематография, типография идоралари очилди. РСФСР берган 40 миллион кредит билан Хоразм халқ банки иш бошлади ва ўз миллий пуллари чиқарди. Хивада миллий армия ташкил қилиш учун 18 мусулмон командир чақирилди. Аммо “Ёш хивалиқлар” ислохотларига РСФСРнинг мухтор вакили, қизил армия раҳбарлари тиш-тирноғи билан қаршилиқ қилар эди. 1920 йил сентябрда

Бобоохун Салимов ва Г.В.Чичерин Хоразм ва РСФСР ўртасида имзолаган шартноманинг бирор бандига амал қилинмади. Бобоохун Салимов Москвадан қайтгач, совет ҳукуматида ишладан воз кечди ва кўп ўтмай адлия нозирлигини ташлаб, Гурланди уйига кетиб қолади...

1921 йил 6 мартда бир гуруҳ коммунистлар қизил армия сиёсий ходимлари билан Полёзхожи Юсупов ҳукуматида ташланади. Полёзхожи Юсупов, Бобоохун Салимов, Назар Шоликоров яширинишга мажбур бўлади. РСФСРнинг Хоразмдаги мухтор вакили М.Сафонова ва қизил армия раҳбарлари Хоразмда ўзини худди Чор Россияси амалдорларидек тутарди. Фақатгина 1921 йил 6 мартдан сентябргача Хоразм Халқ Республикаси ҳукумати Ж.Қўчқоров, М.Оллабергенов, М.Ибняминов ва яна М.Оллабергенов бошқарди. Бундан ташқари, қўллаб нозирлар алмашиб турди. ХХР раҳбарлари “ўз вазифасини бажармаган” деган баҳона билан, ҳатто

тайинлади. Бироқ 1922 йил 5 февралдан ХХР ташқи сиёсати РСФСР ҳукумати орқали юриртилиши муносабати билан Бобоохун Салимов ҳам қақриб олинган.

Бобоохун Салимов Хоразмда Маориф ва маданият нозирлигида мактаблар учун янги ўқув қўлланмалари яратиш комиссияси раиси бўлиб ишлаш бошлади. Бу вазифادا ишлаб туриб ўзи ҳам мактаблар учун “Алифбе” ва “Ўқиш” китобларини яратди. Мулла Бекон Раҳмонов билан ҳамкорликда ўқув қўлланмалар ёзди. Унинг “Мактаб” шеърини халқ маорифи учун сидқидилдан ишлаган жонқуярнинг аниқ қиёфасини кўрсатади:

Хушдур не бало ҳавоий мактаб,
Жон ўлса раво фидойи мактаб,
Мактаб демаки мадори шидир,
То или шладур бақойи мактаб,



Архив сурат.

ҳар 2 ойдан ўзгартириб турилди. 1921 йил сентябрда ХХР МИК раиси лавозимига Отамаҳзум охунд Муҳаммадраҳимов қўйилиши ХХРда ўзгариш ясади. У ҳукумат бошлиғи бўлгач, амалга оширган ишлар ҳатто большевиклар дохийсини ҳам қўчтириб қўйди. Муҳаммадраҳимов Москва топшириғига кўра, ХХР фавқулодда комиссияси раиси бўлиб келган А.А.Иоффе улка ички ишларига аралашгани учун 24 соат ичида Хоразмдан чиқиб кетишини талаб қилиб ултиматум топширди. О.Муҳаммадраҳимов “Ёш хивалиқлар” вакилларини ХХР ҳукуматида таклиф этиб, Бобоохун Салимовни ХХР МИК президиуми қарори билан Афғонистонга элчи қилиб

Рашиқ ўтига ўртамиш Эрамни,
Гулзори фараҳ фазойи мактаб
Анвоий или маъданидир.
Ҳар гўшаю бир саройи мактаб.

Тан ўлғуси булбули баҳорда.
Тифлони газал саройи мактаб.
Ҳар кимда бор эрса жаҳл дарди
Даф айлауеси давоий мактаб

Хоразм элин айлағай мунаввар,
Нури қамари саймоий мактаб,
Миндан бирини тугатмас Ожиз,
Юз йил деса ҳам саноий мактаб.



Баҳром ИРЗАЕВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Дастлаб большевикларнинг Москвада ўтирган раҳбарлари чопон кийган бу осийликни менсимайди. Бироқ дунё дипломатиясини авраган Чичерин ўнга яқин тилни билувчи, ўтир ақл ва билим соҳиб Бобоохун Салимовга сўзини ўтказа олмайди. У ўзининг юридик билими билан дунё миқёсидаги сиёсатнинг ҳам лол қолдирган эди. Музокараларда Бобоохун Салимов большевик дохийларга ҳеч қандай имкон қолдирмайди ва Хоразмнинг бир қарич ерини ҳам советларга бермайди. Шу боис, бундай хавфли осийликни йўқ қилиш кераклиги ҳақида махфий топширик берилди.

Б.Салимов ислом ғоялари асосида янгиликка интилишга, шариятда тенгликка эришишга, хон амалдорлари билан савдогарлар ва саноатчилар, хунармандлар ва зивиллар қатлами ҳуқуқларини тенглаштиришга интилди. Дастлаб у хонликда майда ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотлар ўтказиб билан тараққиётга эришиш мумкин, деб ҳисоблаган.

БУГУННИНГ ГАПИ

Алишер МАДРАҲИМОВ,
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти
кичик илмий ходими

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ ЭРКИНЛИК
уни ким қандай тушунади?

Ижтимоий тармоқлар бизга нега керак? Бу саволга ҳамма ҳар хил жавоб беради. “Ижтимоий тармоқлар биз учун жуда зарур ва бугунги кун талаби” дейдиганлар ҳам, “бугунги кунда ижтимоий тармоқларнинг фойдаланиш кўра, зарари кўпайиб бормоқда ва унингсиз ҳам ҳаётимиз ўтавериши”, дегувчилар ҳам бор. Ҳар икки фикр тўғри ва асослидир. Кимдир ундан тўғри, мақсадли ва самарали фойдаланган ҳолда ҳаётда ўз олдига қўйган мақсадларига эришмоқда ва кимдир нотўғри фойдаланиши оқибатида кимматли бўлган вақтни, соғлиғи ва капитални сарфлаб, ўз мақсадларига эриша олмай ҳунобда.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг хабар беришича, юртимизда фаолияти чеклаб қўйилган “Twitter”, “WeChat” ва “Вконтакте” ижтимоий тармоқлари жорий йил 1 августдан фаолиятини қайтадан бошлади. Бу тармоқлар фойдаланувчилари учун аниқ муқоаб бўлди. Рухсат берилди, дегани барча нарсани тартиб қилавериш дегани эмаслигини фойдаланувчилар тушуниши зарур, аслида. Ҳар қандай имкониятдан оқилона фойдаланиш, уни самарали мақсадлар сари йўналтириш, аввало, инсоннинг ўзига боғлиқ. Шу ўринда мавлоно Жалолддин Румийнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: “Эй доно одам, сен энг аввало, нарсаларнинг моҳиятини бил, уларнинг алдамчи шаклига ишонма”. Бугунги кунимиз учун нечоғлиқ долзарб ҳикмат!



маълум бўлган. Ўзбекистонда ҳам интернет фойдаланувчиларининг 35 фоизи айнан ёшлар, шунингдек, болалардир. Инсонда 15–20 ёш руҳий ўзгариш даври ҳисобланади. Ижтимоий тармоқлардаги беҳаёликни тарғиб қилувчи контентлар кўриш ва гуруҳ ҳамда каналларга аъзо бўлиб, уларни доимий

қузатиб боровчилар, хусусан, ёшлар у ердаги фотосуратлар, видеолавларини томоша қилиш салбий оқибатларга олиб келишини билмайди. Интернетдан самарали фойдаланишни ўргатиш механизми ҳали тўлиқ яратилгани йўқ. Ижтимоий тармоқларнинг яна бир салбий жиҳати лоқайдликдир. Лоқайдлик —

жамият ишига бепарво ва совуққонлик билан ёндашишни ифодаловчи маънавий иллат. Соҳибқирон бобомиз лоқайд инсонлар хусусида “Темур тузуклари”да бундай дейди: “Тажрибада кўрилганким, аъзи қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”. Ижтимоий тармоқларга муккасидан кетиш оқибатида ёшлар лоқайд ва бепарво бўлиб бормоқда. Кўрувчи кўзлар қотиб, эшитувчи қулоқлар эса мослашмоқда. Қаерда бепарволик ва лоқайдлик бўлса, энг муҳим ҳаётий масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша жойда маънавият ожиз ва заифлашади. Уларга маънавият бегона бўлади. Ижтимоий тармоқларга муккасидан кетишини яна бир салбий оқибати танбалликдир. Танбаллик — ишқўсмаслик, дангасалик каби маънавий иллатларни ифодаловчи тушунча. Танбал киши ёлчилик меҳнат қилмаса-да, яхши яшашни хоҳлайди, бировларнинг меҳнати эвазига кун кечиришдан асло уялмайди. Ижтимоий тармоқларга қарамлик оқибатларини яна давом эттириш мумкин: саводсизлик, сабрсизлик, одамвиллик, ёлғизликка интилиш. Аммо виртуал оламда ҳамма фойдаланувчи мард ва жасур. Олдий ҳаётда бу фазилатлардан асар ҳам йўқ аслида. Бу маънан қашшоқлик белгисидир. Айнан ана шундай инсонлар ҳаётини интернет ва смартфонсиз тасаввур қила олмайди. Улар жонли суҳбат ўрнига тармоқдаги матнли мулоқотни (қўлчанча ҳеч қачон кўрмаган “дўстлари” билан) афзал қўлади. Яна бир эътиборли жиҳати ҳозирги айрим ёшларнинг клипли тафаккур қилиш хусусиятидир. Клипли тафаккур атрофдаги оламни кичик ҳажмли видео-клиплар, қисқа метражли янгиликлар канали ёки бошқа мўқобил кўринишда қисқа, ранг-баранг ва ёрқин бўёқларда идрок қилишдир. Бундай тасаввур “TikTok”, “Instagram” каби ижтимоий тармоқлар учун аниқ мўддоо. Клипли лавҳа эъланга катта ҳажмдаги маълумот ва ахборотни қабул қилиш муайян қўйинчилик тугдирди. Турли ахборотларнинг жуда кўплиги фикрни жамлашни ва ўзлаштириш жараёнини мураккаблаштиради, сабрсизлигини кучайтиради, иродасизликка олиб келади. Урганишлар натижасида ижтимоий тармоқларда бачкана, маъносиз ва беҳаё мазмундаги, ҳақоратли сўзлардан иборат видеолавлар, хабарлар қўйилиши аниқланган. Бундай мазмундаги контент қўйилишига сабаб кўн “like” олиши ва мухлислар сонини кўпайтириш ҳам ўзини ўзи кўз-кўз қилишдир. Яна бир жиҳат муаллифларнинг сленги, яъни сўзлашув (қўп ҳолатларда ҳақоратли) услуби. Мазкур мулоқот тилини “ўзрус тили” деса бўлади. “Ўзрус” тили бу ўзбек ва рус тилларининг қоршамасидан иборат воқелиқдир. Албатта, ижтимоий тармоқларнинг фойдали тарафлари ҳам бисёр. Хусусан, ахборот алмашувининг жуда тезлиги ва масофа танламаслиги, фойдали, масалан, фан-техника ёки тил ўрганиш босқисиди турли контентлар мавжудлиги, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш кабилар шулар жумласидан. Шундай экан, ҳулоса ўзимиздан.